

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Содиқов Усмон Асқарович

**МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ
АНИҚЛАШ ВА ТАХЛИЛ ҚИЛИШ**

Мутахассислик : 5 А 810201 Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)

ДИССЕРТАЦИЯ

Педагогика магистри даражасини олиш учун

Иш кафедрада кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
“Футбол ва кўл тўпи” кафедраси
муdiri: проф. Нуримов Р.И.
“___” _____ 2011 й.

Илмий раҳбар:
_____ п.ф.н ,проф. Нуримов Р.И.

ТОШКЕНТ 2011 й

Мундарижа		
КИРИШ		4
I БОБ	Адабий манбалардаги маълумотлар бўйича масаланинг ҳолати.	10
1.1.	Спортда турлича микроциклнинг тавсифи.	10
1.1.1	Футболчилар микроциклларда қўлланиладиган юкламаларнинг тавсифи	14
1.1.2	Футболда микроцикллардаги юкламаларни ташкил этиш хусусиятлари.	19
1.2	Футболчилар организмнинг энергетик потенциали	26
1.2.1	Футболчиларнинг аэробик имкониятлар кўрсаткичларини ошириш усуллари	28
II. БОБ.	ИШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ ВА ТАДҚИҚОТ ЎЎЛЛАРИ.	33
2.1.	Тадқиқот услублари.	33
2.1.1	Илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.	33
2.1.2	Педагогик кузатишлар ва уни ташкил этиш бўйича материалларни таҳлил қилиш.	34
2.1.3	Тест меёрларни қабул қишил.	35
2.1.4	Биринчи усул (PWC-170)	35
2.1.4.	Икинчи усул (Гарворд степ-тест)	38
2.1.5	Машғулот жараёнида педагогик назорат.	39
2.1.6	Педогогик тажриба	41
2.2	Тадқиқотни ташкиллаштириш.	41
III БОБ	МУСОБАҚА ШАРОИТДАГИ НАТИЖАЛАРНИ ЎРГАНИШ.	45
3.1	Мусобақа шароитида футболчиларининг техник-тактик ҳаракатлари бўйича натижалар.	45
3.1.1	Олий тоифа жамоаларидаги футболчиларни ҳаракат фаолиятни таққаслаш натижалари.	48
3.1.2	Олий тоифа жамоаларининг майдондаги ҳаракатланиш вақтлари.	50

3.2	Футболчини иш қобилиятини аниқлаш ва уларни таҳлили.	58
3.2.1	Машғулот жараёнида айланма машғулотдан фойдаланиш.	60
3.3.1	Футболчиларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби.....	62
	Хулосалар.....	65
	Амалий тавсиялар.....	66
	Адабиётлар рўйхати.....	68

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматимиз олиб бораётган одилона сиёсат мамлакатимиз спортини гуллаб яшнашига ҳисса қўшмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда мустақилликдан сўнг Ўзбекистон спортини ривожлантириш долзарб масалага айланди. Спорт турларини ривожлантириш учун бир қанча қарор ва қонунлар ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги 27-сонли сессиясида «Ўзбекистон футболини ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг чиқарилиши, Ўзбекистон футболини янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ундан ташқари яқиндагина Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2006 йил 1 май куни «Ўзбекистон футболини ривожлантириш» тўғрисида қарори чиқарилди ва футбол спорт турига ҳомийларни жалб қилиш ва уларга кенг йўл очиб бериш ҳақида Республикамиздаги ҳар бир олий лигадаги профессионал клубининг ўзининг футбол мактаби, базаси бўлиши ва унга ҳомийлик қилиниши ҳақида сўз борди. (2, 4,)

Президентимиз томонидан 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармойиши шу масалага оид бўлган Вазирлар Маҳкамасининг қарори (30.Х.02)да истеъдодли ёш футболчиларни етиштириб чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. (6)

Демак, ҳалқимиз эъзозлаб келаётган футбол Давлатимиз сиёсатининг устивор йўналиши доирасидан жой олган. Шундай бўлсада, юксак футбол ҳақида барралла гапириш имконияти ҳозирча йўқ. Фикримизча бунинг асосий сабабларидан бири Мамлакатимизда маҳоратли ёш футболчиларни тайёрлашга қодир, ўз касбининг устаси бўлган, рақобатбардош мураббийлар доираси ўта тордир.

Замонавий футбол мусобақаларида ўзаро рақобатнинг кескинлашуви ва ўйин шиддатининг ниҳоятда ўсиб бораётганлиги ўқув – машғулот

жараёнида янгича илмий назар билан ёндашишни тақазо этади. Юксак маҳорат, кенг жисмоний ва функционал имкониятларга эга, истеъдодли ҳамда рақобатдош футболчиларни тайёрлаш муаммоси муқобил ва самарадор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб бермоқда.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналиш бўйича бой илмий тажрибалар, самарали услубий тавсиялар, амалий аҳамиятга молик илмий тадқиқот хулосалари мавжуд.

Лекин тараққиёт бир жойда турмагандек, спорт натижалари, ўйин шиддати ва маҳорат ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди. Айни вақтда жаҳон футиболида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, оламга машҳур Бразилия, Англия, Италия, Германия, Франция, Голландия терма жамоалари, кези келганда Чехия, Греция, Корея ва Африка қитъаси давлатлари жамоалари олдида тиз чўқмоқдалар.

Сўнгги йилларда Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Хитой ҳамда Араб мамлакатларидан Кувайт, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистон, Миср каби давлатлар жамоалари ҳам секин аста ўз мавқеаларини кўтариб бормоқдалар.

Оммавий равишда ўтказилаётган футбол машғулотларида ҳеч қайси мураббий жон жаҳти билан ишламайди, аксарият ҳолларда машғулотлар кўр – кўрона олиб борилмоқда. Укув машғулотлар тизими илмий жиҳатдан асосланмаган, услубий таълабларга жавоб бермайди. Бериладиган жисмоний ва техник – тактик машқларнинг физиологик қиймати эътиборга олинмайди. Замонавий футболга хос моделлар билан ишланмаяпти ва мўлжал қилинмайди.

Маълумки, техник–тактик маҳоратни такомиллаштириш самарадорлиги, функционал имкониятларни ривожланганлигига боғлиқ. Умуман, юқори қобилятли футболчиларни тайёрлашда функционал имкониятлари аҳамиятли ҳисобланади. Мустақилликдан сўнг ўзбек футболчилари бир қанча ҳалқаро мусобақаларда қатнашиб яхши натижалар

кўрсатди. Аммо, буларнинг ичида энг катта ютуғ Херосима шахрида ўтказилган, 1994 йилги XII Осиё ўйинларида Ўзбекистон миллий терма жамоасини 1 – ўринни эгаллашидир.

Кейинги вақтларда эса жамоаларимиз айтарли яхши натижаларга эришмаяпти. 2006 йил Қатар пойтахти Доха шахрида бўлиб ўтган 15-Осиё ўйинларида ҳам футболчиларимиз жуда чиройли ўйинлар кўрсатишиб, мусобақани ярим финалида тарк этишди ва жамоаларимизнинг Жаҳон чемпионатиغا саралаш баҳсларида етарли даражада иштирок этмаётганликларини кўрамиз. Бунга эса бир қанча сабаблар ўз тасирини кўрсатди.

Жамоаларимиз Осиё ўйинлари ва кубок мусобақаларида, жаҳон чемпионатиغا йўлланма берадиган саралаш баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок эта олишмаяпти.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, футболчиларимизнинг тайёргарлигида кўпгина камчилик жиҳатлар борлиги кўриниб қолди.

Футбол мутахассислари ва футбол мураббийларининг фикрларича, мағлубиятларимизни сабаби, бу футболчиларимизнинг жисмонан, техник ва тактик тезлик сифатлари анча орқада эканлиги деб таъкидлашмаяпти. Ўзбекистон футбол мутахассислари ва етакчи мураббийларининг фикрича, бизнинг футболчиларимиз мавсум бошланиши арафасида ҳалқаро майдонларда зарур натижаларга эриша олмасликлари, мавсумга жисмоний ва техник – тактик тайёргарликлари маромига етказилмаганлигидир. Шунини ҳисобга олганда мураббийларимиз ва футболчиларимиз бу камчиликларни бартараф этиш учун анчагина ишлашларига тўғри келади.

Футболчининг чаққонлиги аввало футбол майдонида доимо ўзгариб турувчи вазиятда тўпни олиб юрганида, кейин тўпсиз қилган ҳаракатларидан намоён бўлади. Тўпни олиб юриш, кимга узатишни танлаш ва тўп тепиш ўйинчидан жуда кенг координацион имкониятларни кўрсатишни талаб этади. Агар бунга футболчининг ҳаракат ва техник фаолияти яккама-якка олишувлар ва турли дастлабки

холатлар асносида ўтишни (ўзидан ошириб уриши, думалатиб уришни, сакраб туриб бош билан уриб юбориши ва ҳоказолар) ни қўшган ва ўйин шарт-шароитларининг доимо ўзгариб туриши (ёмғир, иссиқ, ўтли, ерли майдон, табиий ва сунъий равишда ёритилиши) ни ҳам қўшадиган бўлсак, унда ўйин фаолиятининг самарали бўлиши учун ривожланган фикрича сифатларининг юқори бўлиши, футболчи учун қанчалик муҳим эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Приемларни қанчалик тез, аниқ ва ўз вақтида бажара олиш ўйинчининг ўзидаги ҳаракатлантирувчи аппаратини қанчалик бошқара олиши ва ҳаракат қобилиятининг қанчалик ривожланганлигига боғлиқдир.

Тадқиқот долзарблиги: Шуғуланувчиларнинг функционал имкониятлари қанчалик юқори бўлса, тадбиқ қилиш ҳам шунчалик юқори даражада бўлади.

Футболда юкламаларни купроқ аэроб, аэроб – анаэроб, анаэроб гликолитик ва анаэроб алактат йўналишидаги турларга ажратиш қабул қилинган. Ушбу ҳолатда юкламаларни таснифлаш асосида мушак фаолиятини қувват билин таминлаш йўллариининг сафарбар этилиш даражаси ётади.

Юкламаларни устивор физиологик йўналишига кура тақсимлаш футболда машғулот жараёнини назорат қилиш тизимида кенг қулланилади, бу турли қитъаларидаги ҳар хил муалифлар томонидан олинган тадқиқод натижаларини солиштириш имконини беради.(1,2,3)

Юкламалар янада аниқ тизимлаштиришга уларни машғулот ва мусобақа юкламалари сифатида фарқлашга ёрдам беради мусобақа юкламаларини баҳолашда бу мусобақаларнинг қай даражада масъулятли эканлигани назорат қилган ҳолда таёргарлик босқичида уларнинг миқдорини этиборга олиш тавсия этилади.

Футболчиларнинг таёргарлик жараёнидаги тузилишини таҳлил этишида мусобақа юкламасини биз юкламанинг мустақил тури деб таснифладик, чунки унинг организмга турлича тасир курсатиши ҳамда ўйин вақтида иш ва

дам олиш нисбатининг барқарор миқдорий тафсифлари йўқлиги унинг устивор бир йўналиш даражасида кузатишга имкон бермайди, унинг устига футболда мусобақа фаолияти психологик хусусият зуриқиш даражасига кура машғулот жараёнидаги фаолиятдан жиддий фарқ қилади ва экстимал шароитга яқин туради. Тажрибалар ёрдамида исботланганки, расмий ўйинларда мусобақа юкламаларининг психологик омили ўйинчиларнинг толиқишида бош омил ҳисобланади ва куп жихатдан машғулотлар тасирини режалаштириш стратегиясини белгилайди.

Одатда футболчиларнинг таёргарлик жараёнини тузилиши ва мазминини таҳлил қилганда икки ойлик юклама кўрсаткичларини қушиб, мусобақа даврида 4-5 босқични ажратадилар. Бизнингча, бундай ёндашув ўзини уқадар оқламайди, чунки ўйинчиларнинг ахволи ойлик мезоцикл чегарасида туриши исботланган.

Ишнинг мақсади: Футболчиларни иш қобилиятини ошириш ва уларни мусобақа даврида юқори спорт формасида бўлишини таъминлаш.

Илмий фараз: Футболчиларни ҳозирги замонавий футболга тайёрлашда машғулот юкламаларни меёрлаш, мусобақа даврида спортчиларнинг функционал имкониятларини юқори даражада бўлишини таъминлаб, шу орқали уларни техник-тактик ҳаракатларини ва ўйин давомидаги бажариладиган ҳаракат фаолиятларининг самарадорлигини ошириш, ҳамда бўлажак мусобақаларда яхши ўйин кўрастиб юқори натижаларга эришиш.

Вазифалари:

1) Футболчиларни мусобақа даври ҳамда машғулот жараёнини педагогик кузатувлар ёрдамида машғулот юкламасини аниқлаш.

2) Футболчиларни спорт формасини юқори даражада бўлиши учун турли восита ва усулларни ўрганиб чиқиш.

3) Футболчиларни мусобақа шароитида ўйинлараро циклларда юкламаларни туғри тақсимланиши ва шуғуланувчиларни юқори спорт формасида бўлишини таъминлаш.

Илмий янгилиги: Юқори малакали футболчиларни тайёрлашни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда функционал имкониятлар даражасини ошириш ҳамда, мусобақа даврида спортчиларнинг спорт формасини юқори даражада бўлишини таъминлаш ва шу орқали юқори натижаларга эришиш.

Амалий аҳамияти: Юқори малакали футболчиларни тайёрлашда функционал имкониятлар даражасини ошириш ҳамда мусобақа давридаги спортчиларнинг спорт формасини юқори даражада бўлиши ва мусобақа даврида функционал имкониятларни бир хил меёردа бўлишини таъминлаш, ўйинлараро циклларидаги машғулот юкламалари ҳамда дам олиш оралиғида машғулотларни туғри ташкиллаштириш кейинги ўйинларда ижобий ўйин кўрсатиш.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон чемпионатидаги Олий тоифада иштирок этаётган «Оқ-тепа» жамоасида тадқиқотлар олиб борилди. Бу жамоа Оқ-тепа шаҳрида жойлашган бўлиб, ўрта меёна жамоа қаторига киради.

I БОБ Адабий манбалардаги маълумотлар бўйича ҳолат.

1.1. Спортда турлича микроциклнинг тавсифи.

Машғулот жараёнини такомиллаштириш масаласи олимлар ва амалиётчи мураббийларнинг диққатини тобора кўпроқ ўзига жалб қиляпти. Юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг яширин имкониятларни излашда машғулот жараёнининг энг муҳим таркбий бирлиги - микроциклни ташкил этиш усулиятига катта аҳамият қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, микроциклларни ташкил этиш кўпинча мураббийларнинг ақлий тасаввурлари ва амалий тажрибаларига асосланади. Ҳар доим ҳам спортчиларнинг организмда фойдаланиладиган машғулотларнинг илмий асоси бўлавермайди. Тузилиши, юклама катталиги ва уларнинг йўналиши бўйича турлича микроциклларнинг ташкил этилишини асослашнинг энг истиқболли йўлларида бири, бизнингча, бу машғулот дастурларининг организмдаги ҳар хил орган ва тизимларга, иш қобилиятига жисмоний сифатлар ва энг муҳими, мусобақаларда кўрсатилган натижага таъсирини ўрганишдан иборат.

Бир неча кун давомида ўтказиладиган ҳамда тайёргарликнинг айна босқичида турган вазифаларни маълум тарзда ҳал этишни таъминлайдиган машғулотлар сериясини микроцикл деб аташ қабул қилинган. Микроциклларнинг давомилиги 3-4 кундан 10-14 кунгача тебраниши мумкин. Етти кунлик микроцикллар энг кўп тарқалган бўлиб, улар давомийлиги жихатдан тақвимий ҳафтага мувофиқ келади, шуғулланувчилар ҳаётининг умумий жадвали билан яхши мослашади. (53.78.85.96)

Бошқа хилдаги давомийликка эга бўлган микроциклларни одатда мусобақа даврида режалаштирадилар, бу кўпроқ фаолият режимини алмаштириш, олдинда турган мусобақаларнинг муайян шароитига кўра иш қобилиятининг ўзига хос ритминини шакллантириш зарурияти билан боғлиқ бўлади. (107.115.116)

Машғулот қўрилиши тизимидаги ўрни ва мазмунига қараб, микроциклларнинг қўйидаги турларига фарқланади: жалб қилувчи, зарбдор, ҳозирловчи, мусобақа ва тикловчи (49.64.95)

Жалб қилувчи микроцикллар спортчи организимини қизгин машқ фаолиятига мослаштиради. Улар тайёргарлик дарвининг биринчи босқичида қўлланилади. Бу микроцикллардаги юклама зарбдор микроцикллар билан солиштирганда у қадар катта эмас. Кейинчалик, спортчиларнинг тайёргарлик даражаси ортган сайин, жалб қилувчи микроциклларнинг биргаликдаги юкласи ўсиб бориб, кейинги микроцикл юкласининг 70-75% ига етиши мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, уларнинг мазмуни спортчиларнинг кейинги зарбдор микроцикллар юкласига тайёргарлигини таъминлаши жуда муҳим. Зарбдор микроцикллар катта ҳажимли фаолият йиғиндиси, юқори юкламалар билан тавсифланади. Микроциклнинг асосий вазифаси спортчи организмдаги мослашув жараёнларини таъминлаш ҳамда техник-тактик, жисмоний, рухий ва интеграл тайёргарликнинг асосий вазифаларини ҳал этиш ҳисобланади. Зарбдор микроцикллар асосан мусобақа даврида қўлланилади. Тикловчи микроцикллар, одатда зарбдор микроциклларнинг сериясини яқунлайди. Уларни шиддатли фаолиятидан кейин ҳам режалаштирадilar. Бу микроциклларнинг асосий роли спортчи организмдаги тикланиш ҳамда мослашув жараёнларининг кечиши учун оптимал шароитларини таъминлашдан иборат. Умумий иш ҳажми зарбдор микроциклга таққослаганда тахминан 2 баробар кам. Катта ва жиддий ҳажмли машғулотлар режалаштирилмайди.

Ҳозирловчи микроцикллар спортчини бевосита мусобақага тайёрлашга йўналтирилган бўлади. Бу микроцикллар ҳозирловчи мусобақалар режимини такрорлаши, тўлиқ тикланиш ҳамда рухий тайёрланиш масалаларини ҳал этиш мумкин. (42.52.77.94.121.139)

Ҳозирловчи микроцикллар, одатда, бевосита асосий мусобақалар олдида 2-3 ҳафталаик микроцикл мазмунини ўз ичига олади. Дастлабки 2-

3 та ҳозирловчи микроцикл, одатда, юкламаларнинг нисбатан унча юқори бўлмаган йиғиндиси ва умумий иш ҳажми шароитида муайян мусобақаларига тор ихтисосдаги тайёргарликни назоратда тутати. Лекин алоҳида машғулот дастурларининг юқори даражали ихтисослошуви, уларнинг спортчиларни муайян мусобақа фаолиятига махусу тайёрлашга йўналтирилганлиги кузатилади. Ҳозирловчи микроциклларнинг дастурлари кўп жиҳатдан индивидуал хусусиятга эга. Тикланиш қобилияти кучли, мослашиш имкониятлари кенг бўлган спортчилар бу жиҳатдан унча ажралиб турмайдиган спортчиларга нисбатан микроциклларда анча жиддий иш режимига бардош беришлари мумкин.(22.76.97.137.145.160)

Мусобақа микроцикллари мусобақалар дастурига мувофиқ равишда тузилади. Мазкур микроциклларнинг тузилиши ҳамда давомийлиги ҳар хил спорт турларидаги мусобақаларнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бироқ барча ҳолларда ҳам ушбу микроциклларнинг тузилишини ташкил этувчи тадбирлар муваффақиятли мусобақа фаолияти учун оптимал бўлган шароитларни таъминлашга йўналтирилади. (9.16.70.74.9.114.125.127.146.161)

Мусобақа микроциклларида юкламанинг чўққиси, табиийки, мусобақа кунларига тўғри келади. Мусобақаларнинг сонидан келиб чиқиб, бир чўққили, икки чўққили ва кўп чўққили микроциклларга фарқланади. Агар мусобақалар узоқ муддат давом этса ва сўнги кунларга режалаштирилса, у ҳолда мусобақа микроциклининг дастлабки кунларида спортчилар бевосита мусобақалар арафасидаги ҳозирловчи микроцикл дастурига имкон қадар яқинлаштирилган дастур бўйича машқ қиладилар. Агар мусобақалар дастлабки кундан ўтказилса, у ҳолда кейинга кунларда спортчилар ё дам оладилар ёки тикловчи хусусиятла кичик юкламали машғулот дарсларини ўтказадилар (18.80.118.123.128.129.131.133.135.144)

Машхур спортчиларнинг мусобақа микроцикллари мазмуни ўзининг ниҳоятда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу уларнинг мусобақаларда иштирок этиш дастури билан ҳам, алоҳида хусусиятлари билан ҳам,

шунингдек, жаҳондаги турли мактаблар вакиллариининг мусобақа фаолияти ва умуман, тайёргарлигини бир-биридан фарқлайдиган концепциялар билан ҳам белгиланади. Бироқ бундан қатъи назар, мусобақа микроциклларида энг аввало асосий мусобақалар бўлаётган кунларда спортчиларнинг тўла тикланиш ва иш қобилятиниинг ўз чўққисига етиши учун зарур шароитларнинг таъминланишига эътиборини қаратиш лозим. Бу мусобақалар, дам олиш ҳамда машғулотларнинг махсус режимини, тўғри овқатланиш, рухий ҳозирлик, тикланиш воситаларидан фойдаланишини талаб этади.

Футболда (12.26.46.47.64.71.74.147.166) асосан тайёргарлик даври босқичларида қўлланиладиган микроцикллардан ташқари “Ўйинлараро цикл” тушунчаси мавжуд. Ўйинлараро цикл мусобақа даврида мавжуд бўлган, икки матч (учрашув) орасидаги тайёргарлик вақтини ўз ичига олади. Ўйинлараро цикллар мусобақа тақвимига боғлиқ, улар 2-3 кундан 10-14 кунгача давом этади. Табиийки, бу ҳолат ҳар хил ўйинлараро циклларда юкламаларни режалаштиришга ижодий ёндашувни, турли қийинчиликларини тақазо қилади.

Масалан, икки кунлик ўйинлараро циклда, одатда, биринчи куни футболчилар дам оладилар ва тикланиш тадбирларини амалга оширадилар. Иккинчи куни катталиги ва йўналиши жиҳатидан қўллаб-қувватловчи хусусиятли машғулотлар ўтказилади. Учинчи куни спортчилар ўйинга тайёргарлик кўрадилар. Ўйинлар орасидаги вақт бу қадар қисқа бўлгани учун спорт маҳоратини ошириш билан боғлиқ мақсадли тайёргарликни олиб бориш қийин, бундан фақат навбатдаги ўйинга тикланиб олиш мумкин. Шу сабабдан икки кунлик ўйинлараро циклларда жисмоний кондицияларни ошириш устидаги ишларини режалаштириш мақсадга мувафиқ эмас.

Юкламаларни 4-5 кунлик ўйинлараро циклларда режалаштириш жуда онсон. Бироқ ҳафталик ўйин цикли энг қулай ҳисобланади. Бу ерда тикловчи тадбирларни катталиги ва йўналиши жиҳатдан турлича бўлган

юкламалардан фойдаланган ҳолда жисмоний сифатларни ошириш ишлари билан уйғунлаштириш мумкин. Педагогик ва таббӣй назорат юкламаларни ички сезгига қараб эмас акс эттирувчи объектив маълумотлар ососида режалаштиришга имкон беради. (11.12.43.59.64.75.79.82.88)

1.1.1 Футболчилар микроциклларда қўлланиладиган юкламаларнинг тавсифи

Машғулот жараёни тузилиши машғулот жараёнининг турли халқалар: машғулот дарслари, тайёргарликнинг микроцикллари, даврлари ва босқичларининг изчилиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланади.

Машғулот жараёнини ташкил этувчи кўпдан-кўп халқаларнинг энг асосийси алоҳида машғулот дарслари тузилиши бўлиб, у энг аввало микроцикл таркибига яхлит жараённинг ўзаро боғлиқ халқалари мазмунига эга бўлган, унинг натижаси ўлароқ машғулот босқичларининг нисбатан тугалланган такрорланувчи парчалари майдонга чиқади. (77.95.141.148.156)

Микроцикллари асосида машғулот жараёнини ташкил этиш уни тизимлаштириш, тайёргарликнинг ҳар бир босқичида спортчи имкониятларидан янада тўлиқроқ, мақсадли фойдаланиш, функционал мослашиш вазифаларини, техник ва тактик маҳоратини ошириш муаммоларини энг мақбул тарзда ҳал этиш учун шароит яратади. (56.85.142.149.158)

Микроцикллардаги юкламалар хусусиятларига кўра: машғулотдан, махсус, номахсус, чекланган, қисман ва ялпи: катталагига кўра кичик, ўртача, жиддий (имкон чегарасига яқин), катта (имкон чегарасида), йўналишига кўра алоҳида ҳаракат қобилиятларини ривожлантирувчи (тезликни, кучли, чидамкорликни, чаққонлик ва эгилувчанликни) бўлади. (7.9.10.11.13.14.29.34.44.51.72.87)

Микроциклларнинг қиммати шундаки, машғулотлар, гарчи тез-тез такрорланиб турса ҳам, улардаги бир меъёрлилик ҳамда нохуш рухий таъсир анча камаяди. Микроцикллардан воз кечиш машқларнинг стереотипли шаклларига ишлов беришда юкламалар стандартлашувининг

давомийлигига олиб келиши мумкин, бу пироворд натижада спортдаги ютуқларнинг ўсишига тусиқ бўлиб қолади. (55.56.103.124.139.150.159)

Спорт амалиётида микроциклда юкламалар ва дам олишни навбатлаштиришнинг турли вариантлари қўлланилади, уларда навбатдаги машғулот аввалгисидан кейин етарлича тикланмаслик фонида ўтади. Бу ҳолатда бир қанча машғулотнинг изи асорати йиғилиб боради. Табиийки, бир неча машғулотлар сериясидан сўнг чарчоқ битта машғулотлардан кейингисига нисбатан анча чуқур бўлади, у иш қобилятининг ўша тикланиши билан кечади. Лекин микроциклларни ташкил этишда юкламаларни бу тарзда уйғунлаштиришини суиистеъмол қилиш, шубҳасиз, ўта чарчаш ҳолатига олиб келади, айниқса, юқори малакали спортчиларни тайёрлашда улардан ўрни билан фойдаланиш машқланганлик даражасининг самарали ошишига ёрдам беради. (15.31.41.61.69.111.120.169)

Микроциклларда ўқув машқ жараёнини оқилона режалаштириш учун юклама қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш лозим: ихтисослаштирилганлик, йўналтирилганлик, мураккаблик ва катталиқ (17.19.24.33.57.145.152)

Машғулотларнинг ҳар хил вақт оралиқларида ўтказиладиган катталиги ҳолда йўналиши жиҳатдан турлича бўлган юкламалар билан мақбул тарзда уйғунлаштириш уларнинг инсон организмига биргаликда қандай таъсир қилиши тўғрисидаги аниқ тасаввурлар мавжуд бўлгандагини амалга ошириш мумкин. (35.38.45.73.84.134.157.163)

В.П.Платонов (96) 24 соат оралиқ билан ўтказилган 2-3 машғулотдан кейин ҳар хил йўналишли юкламалар қандай из қолдириш мумкинлигини кўриб чиқади. Масалан, 24 соат оралиқ билан ўтказилган тезкорлик йўналишидаги катта юкламали икки машғулот хусусиятига кўра худди битта машғулот натижасида пайдо бўладиган чарчоқнинг пайдо бўлишига олиб келади. Демак, катта юкламали такрорий машғулот чарчоқнинг хусусиятини ўзгартирмаган ҳолда уни оширади. Иккинчи машғулот дастурини бажаришда спортчининг иш қобиляти анча пасайганлиги

сезилади чарчоқнинг ташқи кўрсаткичлари бирхил бўлишига қарамай, улар аввалги кун тақлиф этилган ишнинг 75-80% инигина бажара оладилар. Катта юкламалар, йўналиш бир хил икки машғулотнинг таъсири машғулот даври, спортчининг малакасига деярли боғлиқ бўлмайди.

Микроциклдаги машғулотлар микдорининг ортиши бажарилган иш ҳажмининг жиддий ўсиши, алоҳида машғулот кунлари ва микроциклларнинг юкламалари йиғиндиси ортиши билан кечади.(53.56.62.164)

Сўнгги йилларда яккакурашларда юкламаларни оптималлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, В.Н.Шин (130) юқори малакали босқичларини тайёрлашнинг йиллик циклида махсус иш қобилияти динамикаси асосан ҳажм билангина эмас, турли йўналишдаги воситалардан оқилона фойдаланиш билан ҳам белгиланишини аниқлади. Тадқиқотлар натижасида унинг томонидан юқори малакали босқичлар тайёрлаш йиллик циклини ташкил қилиш модели ишлаб чиқилиб, бу модел таркибига қуйидагилар киради:

- махсус иш қобилияти кўрсаткичларини башорат тарзида ташхислиги;
- турлича ихтисослаштирилган машқлар ҳажмининг мақсадга мувофиқ динамикаси;
- ихтисослаштирилмаган юкламаларнинг асосий воситаларни тақсимлаш ва уларнинг нисбати стратегияси.

Яккакурашчи спортчиларнинг тайёргалиги жараёнида юкламаларни оптималлаштириш масалалари бўйича А.Д. Холмухамедов (126) томонидан ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Чуқур изланишлар натижасида у шундай хулоса қилади: мусобақа олди босқичида тезлик куч ҳамда махсус чидамлилиқ йўналишидаги катта ҳажмли махсус юкламаларни бажариш курашчиларнинг махсус чидамлилиги учун физиологик база ҳисобланган анаэроб самарадорликни оширади ва мувофиқ равишда қувват билан таъминлаш тизимларининг аэроб

самарадорлигини сусайтиради. Бир машғулотдан ҳам юкламаларни режалаштиришда бунинг асосий сабаблари максимал аэроб самарадорлик даражасининг пасайтиришда яширинган. Унча катта бўлмаган ҳамда ўртача қувватли стандарт иш юкламалари кислород “қиймати” нисбий катталикларининг ўсиши, шунингдек МКИ (Максимал кислород истеъмоли) нисбий ҳамда мутлоқ катталикларининг камайиши шундан далолат беради.

Мусобақадан кейинги босқичларда иш қобилиятининг пасайиши аниқланган. Бунинг асосий сабаблари максимал аэроб самарадорлик даражасининг пасайтиришда яширинган. Унча катта бўлмаган ҳамда ўртача қувватли стандарт иш юкламалари кислород “қиймати” нисбий катталикларининг ўсиши, шунингдек МКИ (Максимал кислород истеъмоли) нисбий ҳамда мутлоқ катталикларининг камайиши шундан далолат беради.

Микроциклларнинг тузилиши спорт тури, кўп йиллик тайёргарликнинг ҳозирда спортчининг турган босқичи, микроцикл даврлари, спортчининг алоҳида хусусиятлари билан белгиланади. (29.98)

Мусобақа даври узоқ муддатли бўлган спортчининг ўйин турларидаги микроцикллар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Уларда режали тайёргарликни мусобақа фаолияти билан уйғунлаштириш муаммоси ниҳоятда долзарб. Ўқув- машқ масалалари ўйинга бевосита тайёргарлик вазифалари билан баб-баровар ҳал этилади. (37.54.86.87.93.112.163)

Масалан, Т.Э.Набиев (86) қўлга киритган маълумотларга кўра, ихтисослаштирилмаган воситалар ҳажмининг нисбати қўйидаги қийматларни ташкил қилади: тезлик-чидамлилиги-27.3%; тезлик-куч сифатлари - 26.5%; тезкорлик - 22.4%; умуммий чидамлилиқ - 23.8%; кўриниб турибтики, юкламаларнинг бу ўлчамлари бир меъёрида тақсимлашга ҳаракат қилинган. Бироқ йўналишга кўра машғулот

юкламалари кўйидагича тақсимланади: аэроб-анэроб аралаш - 48.9%, аэроб - 26.2%, анаэроб - 24.9%. Бунда аралаш режим устуворроқ.

Ўйинлар микдорининг, кўпинча дучкелганимиздек, ҳафтасига иккитагача ошиши жиддий машғулот вазифаларини ҳал этишга имкон бермайди ва микроциклнинг бутун мазмунини бевосита кейинги ўйинга тайёргарлик кўришга бўйсундиришни талаб қилади.

Микроциклда давомилиги 60-120 дақиқа атрофида бўлган 7 та машғулот дарси (Умумий иш ҳажми – 7 соат ва иккита ўйин) режалаштирилади: 3- соат-ўйин, 1 соат –бадан қиздириш машқлари; бундан ташқари назарий машғулотлар –3-3.5 соат. Тикловчи ҳамда тетиклаштирувчи муолажалар –4.5 соат. Бундай ҳолатларда ўйиндан кейинги биринчи кун жисмоний ва рухий тикланишга бағишланади (Кичик юкламали 1-2 машғулот режалаштирилади). Иккинчи кун мажмуали йўналишдаги ўртача ёхуд жиддий юкламали машғулотларнинг режалаштиришини, демак, жисмоний сифатларда режасини сақлаш, олдинда турган ўйин хусусиятларидан келиб чиқиб техникани такомиллаштиришни кўзда тутди. Микроциклни яқунловчи ўйин арафасидаги кунга кичик юкламали машғулотлар режалаштирилиб, у тикловчи тадбирларга, рухий ҳамда техник-тактик тайёргарликка бағишланади. (28.49.56.61.64.153.155)

В.В.Соломинкoning (101.102) кўрсатишича, футболчиларнинг машқ фаолиятилади тўпни олиб кўйиш, олиб юриш, алдиб ўтишлар, дарвозага зарба бериш ва бош билан зарба бериш сингари шундай муҳим ихтисослашган ҳаракатлар умумий вақтнинг кўпи билан 9% инигина банд этар экан. Шунингдек, гандболда ҳам мутахассислар (93) қайд қиладиларки, зарбалар ҳамда тўп узатиш техникасини такомиллаштириш, асосан, ўйин хусусиятига мос келадиган шароитларда юз берар экан, масалан, зарба беришнинг 62%и мусобақаларда учрайдиган вазиятларга унча ухшамайдиган ҳолатларда амалга оширилади. Тўп узатишларни таҳлил қилганда шунга ўхшаш манзара кузатилади: уларнинг фақат 14% игина

махсус машқларда бажарилади. Муаллифнинг фикрича, аниқланган фактлар мусобақа элементларига мос келмайдиган машғулот воситаларини қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигидан далолат беради.

Тажриба маълумотларини умумлаштириш натижасида М.А.Годик (48.50.52) мусобақалардаги кўрсаткичлар махсус машқларнинг ўлчамларига боғлиқ эканлигини исботлаб беради.

Микроциклларни ташкил этишда мусобақа давридаги юкламаларни тўғри жойлаштириш муоммоси жуда муҳим саналади. (25.64.71.74.100.154)

Мутахассисларнинг таъкидлашича, микроцикллардаги машғулотларни шундай режалаштириш лозим, бир хил йўналишли юклама етакчи функцияларнинг ўта тикланиш ҳолатига етиши учун етарлича вақт ўтганидан кейингина киритилсин, бошқалари эса унга тўсинлик қилмасин (31.53.58.60)

Масалан, Н.И. Волков (39.40) аэроб хусусиятли катта ҳажмли фаолиятдан сўнг анэроб таъсир кўрсатувчи кичикроқ ҳажimli юкламаларини қўллашни таклиф этади. Бу кейингилари, биринчидан, аэроб функциялар кўрсаткичларининг тикланишига салбий таъсир қилмайди, иккинчидан, анэроб имкониятларнинг режалаштиришни рағбатлантириб туради.

Катта юкламали машғулотлардан кейин сўнг такланиш жараёнининг кечишига кичик ва ўрта юкламали машғулотларнинг ижобий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги маълумотлар микроциклларни режалаштиришнинг оқилона усулиятини асаслашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бундай юкламаларни қўллаш оғир машғулотлардан сўнг тикланиш жараёнлари кечишини “фаол дам олиш” фаолияти механизми бўйича тезлаштиради. (49.64.89.92.111.106.164)

Шундай қилиб, циклни тўғри ташкил этиш учун спортчи организмга катта, ўртача ва кичик ҳажмли юкламалар қандай таъсир кўрсатишини, юкламанинг таъсири неча соат ёки кун давом этишини, катта юкламалар натижасида иш қобилияти пасайганда қандай фаолиятини ва қандай

машғулот режимини тавсия этиш мумкинлигини; йшналиш жиҳатдан ҳар хил бўлган машқларнинг юкламалари ўзаро қандай таъсир қилишини билиш лозим.

1.1.2 Футболда микроцикл юкламаларни ташкил этиш хусусиятлари.

Футболда, бошқа кўпгина спорт турларида бўлгани каби, машғулотларнинг йиллик цикли тайёргарлик, мусобақа ҳамда ўтиш давларидан иборат бўлади. Ҳар бир давр ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган ва табиийки, ҳар бир даврнинг жорий режаларини тузиш ўз хусусиятларига эга. 3-3.5 ой давом этадиган тайёргарлик даври, маълумки, умумтайёргарлик ва махсус тайёргарлик босқичларига бўлинади. Бунда мураббийлар машқ йиғинлари ўтказиладиган жойларга бориб ёки ўз шаҳарида қолиб, футболчиларнинг тайёргарлиги ҳамда малакасидан келиб чиққан ҳолда ўз ихтиёрига кўра, одатда, 7 кунлик цикл режаларини тузадилар. Бундай микроцикл давомийлиги бўйича тақвимий ҳафтага мос келиб, шуғуланувчиларнинг умумий яшаш тартиби билан яхши уйғунлашади.

Режалаштириш учун давомийлиги 8-8.5 ой бўлган мусобақа даври энг мураккаб саналади. Доимий кўчиб юришлар, ўзгарувчан ўйинлараро цикллар, баъзан вақт ҳамда иқлимий минтақаларнинг алашинуви, ҳалқаро учрашувларда мувоффақиятли қатнашиш билан бирга техник-тактик маҳоратини ҳам, жисмоний сифатларни ҳам такомиллаштиришга кўпи билан 2 ҳафтага илгарилаб ижодий ёндашишни талаб этади.

Футбол маутахассисларининг (75.104.105.109.110.162) таъкидлашича, тезкорлик, тезлик-куч сифатлари ва тезлик чидамлилигини қўллаб-қувватлаб туришга йўналтирилган машғулот дарслари ҳар доим ўйинлараро циклларда

Ўз шринига эга бўлиши шарт, зеро, тадқиқотчининг кўрсатишига қараганда (12.48.68.112) бу сифатлар қўллаб-қувватланмаса, у ҳолда сусайиш юз беради. Бунинг устига, (27.52.90) 3.3.5 ойлик мусоюақа давридан кейин 2-3 ҳафтани машғулот ҳажмининг кенгайтиришга бағишлаш ва уни умумривожлантирувчи машқлар томан силжитишишни

тавсия этадилар. Шу тарзда мусобақа даври таркибида гўё янги тайёргарлик даври пайдо бўлади. Бу кейинчалик мусобақалар мавсумини юксак даражада яқунлашга ёрдам бериш керак. Бундай иккиламчи захира ҳажмни пасайтириб, камроқ давом этадиган шиддатли машғулотлар ёрдамида формани сақлаб туришга имкон беради, шунда футболчиларни тақвимий учрашувларига мақсадли тайёрлаш мумкин бўлади.

Афтидан, худди шу сабаб билан мусобақалар тақвимида чемпионатларнинг танаффус қилиш ҳамда шу вақтни футболчиларнинг функционал имкониятларини оширишга бағишлаш таклиф этилган бўлса керак (25.47.81.112.113).

Футболчиларнинг мусобақа фаолиятида машқ ишлари микроцикллар шаклида уюштирилади. Бу микроциклларнинг давомийлиги турлича бўлиб, у мусобақа тақвимида боғлиқ.

Олдинда турган ўйин билан аввалгиси орасидаги вақтни футболда ўйинлараро цикл деб аташ қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида сўнг йилларда ўтказилган мусобақалар тақвимини таҳлил этиб, ишонч ҳосил қилдикки, энг кўп учрайдиган вариант –кейинги ўйиннинг 4 кунга ўтишидир (27.2%) аҳамияти ҳиссасига кўра кейинги ўринда уч кунлик ва беш кунлик микроцикллар туради: мувофиқ равишда 19.1% ва 15.1%. кейин олти ва етти кунлик микроцикллар келиб, улар ҳиссасига 21.7% тушади. Кўпинча ўйинлар орасида 8 кундан 14 кунгача вақт ўтади.



Бироқ А.А.Кириллов (71) таъкидлаганидек, ўйинлар орасидаги 8 ва 14 кунлик вақтни оралиқ ўртоқлик учрашувларини киритиш йўли билан етти кунлик микроциклларга бўлиш мумкин. Ўйинлар оралиғининг бундай турли-туманлиги мураббийларнинг доимий ўйинлараро режимни ишлаб чиқишига тўсқинлик қилади, футболчилар ҳам тез-тез ўзгариб турадилар вазиятга мослаша олмайдалар. Тақвимимизнинг нуқсони айнан шунда кўзга ташланади. Ўйинлараро оралиқ бу қадар қисқа ҳамда машғулоти иши ҳажми анча катта бўлган бундай шароитда базнинг клубларимизда





футболчилар баъзан ҳар бир кейинга ўйингача такланишга улгурмайдилар. Балки шунинг учундир қатор ўйинлар жуда рангсиз ўтади.

Таниқли мураббий ва мутахассис Б.А. Аркадьев (20.21) футбол жамоаларининг мусобақаларида тез-тез иштирок этиб туриши шароитида машғулот масаласини текширар экан, таъкидлайдики, тақвим зич тузилаган бўлса, футболчиларнинг машғулот усулиятини аниқашнинг бутун мураккаблиги-бир вақтнинг ўзида у 2 хил эффект беради: ё спортчининг кучини сарифлайди, ёхуд унинг тўпланишга (маълум вақт давомида тиклангач) ёрдам беради. Шунингдек, у қўшимча қилади: физиологик юкламани тўғри ўлчаб бериш ва тўғри танланган машғулот хусусиятигина мураббийга жамоа ўйинчилари кучинин сарифланиш ва тўпланиши орасидаги изланган мувозанатни топиш имконини беради. Шунга кўра, у ўйинлар орасидаги микроциклларда машғулот юкламаларининг ташкил этишнинг қуйидаги чизмасини таклиф этади.

- | | |
|--------------------------------------|--------------------------|
| 1. Кунлик юклама % ларда ифодаланган | 100-25-100 |
| 2. Уч кунлик юклама | 100-25-25-100 |
| 3. Тўрт кунлик юклама | 100-25-75-0-100 |
| 4. Беш кунлик юклама | 100-0-75-50-0-100 |
| 5. Олти кунлик юклама | 100-0-75-100-50-0-100 |
| 6. Етти кунлик юклама | 100-0-75-50-100-50-0-100 |

Барача ўйинлараро цтклларда ўйин арафасидаги кунда худди ўйиндан кейинги кун каби дам олиш мақсадга муофикдир. Турт ва беш кунлик ўйинлараро циклларни бирмунча қулай деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бунда максималнинг 50% ва 75% иач бўлган биттадан машғулот дарсини бериш





1-расм Мусобақалар орасидаги кунлар миқдори турлича бўлган мусобақа даври ўйинларaro циклларининг тузилиши.

мумкин. Ниҳоят, бизнингча, энг мақбул ўйинларaro цикл 7 кунлак (ёки ҳафталик) циклдир. Бунда юклама ҳафта ўртасига қадар аста-секин ўсиб боради ва тақвимий ўйингача пасаяди.

Бу фикр муаллифларнинг (52.64) тавсияларга мос келади. Улар мусобақа даврининг намунавий ўйинларaro цикл ҳафталик цикл шанба ва якшанба –ўйин куни бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Мусобақа даврининг давомийлиги 8 ойга яқин бўлса, бу даврнинг боши ёки охиридаги юкламалар тузилиши ҳар хил бўлиб, жисмоний кондициялар устидаги иш муҳим ўрин тутади. Уларлаги фаолиятни мусобақа ўйинларининг иккита максимал юкламасиорасига киритилган муайян катталиқ ва йўналишдаг кундалиқ юклама деб тушуниш мақсадга муофиқ. Бу ҳолда микроциклнинг давомийлиги – 8 кун: ўйин куни- 6 машғулот куни.

Микроциклнинг биринчи яримда машғулот дарслари юкламаларни ривожлантиришда ҳар хил функционал тизимларда ўйиндан кейин

такланиш тезлиги бир хил эмаслигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Агар бу тикланиш суст кечса, микроциклни шундай ташкил этиш мумкин.

Агар ўйиндан сўнг чарчаш хаддан ортик бўлмаса, у ҳолда футболчилар кейинги куни дам олиб, мустақил такланадилар. Микроциклнинг 3-ва 4- кунлари жисмоний тайёргарлик машқлари билан икки марталаик машғулотлар ўтказилади, 5- ва 6 -кунлар тактик йўналишл бир марталик машғулот дарслари бўлади, 7- кун -ўйиналди машғулот, микроциклнинг 8 -куни - тақвимий ўйин.

Кўриниб турибдики, ўйинлараро циклнинг фақат иккита машғулот дарсида жисмоний сифатларини ривожлантиришга йшналтирилган машғулотлардан фойдаланилаети. Бундай ривожлантириш бутун микроцикл давомида қўлланиладиган техник-тактик ўйин машқлари ўйин пайтидагидек шиддат билан бажарилган ҳолатдагина самара бериши мумкин.


Бироқ кузатишлардан маълум бўляптики, футболчиларнинг машғулот дарсларида мураббий техник-тактик машқлар чиғида суръатни зарур йўналишларда бошқаришга қийналади, баъзан эса буни амалга ошириш умуман мумкин бўлмай қолади. Сабаби – бундай топшириқларни бажариш вақтида техник-тактик усулларни рўёбга чиқариш аниқлиги шиддатига таъсир кўратади. Ўйинчилардан баъзи ҳатога йўл қўйган ҳолати мажбурий тўхтаб қолиш юз беради, демак суръат йўқотилади. Агар топшириқ ўйин шароитида рақиб қаршилиги остида бажарилса, ҳатолар миқдори янада кўпроқ бўлади. Шунинг учун жисмоний такомиллашув вазифаларини ҳал этиш чоғида машқлар қатъий ўлчов билан борилиши зарур, аниқроғи: югуриб ўтиладиган кесмалар узунлиги; такрорлар сони; такрорлар орасидаги дам олиш танаффуслари; дам олиш хусусияти ва ҳ.к.

Ўйинлар оралиғи қисқа бўлса, катта ҳажмли ва шиддатли юкламалардан фойдаланиш анча оғир. Одатда, циклнинг биринчи кунига тикловчи тадбирлар режалаштирилади. Учинчи кун ўйинга тайёргарлик кўрилади.шу кун нари борса бадан тарбия ва тетиклаштирувчи машғулот


ўтказилади. Ўйинлараро циклнинг фақат иккинчи куни шундай машғулот олиб бориладики, уни қийинчилик билан риволантириувчи деб аташ мумкин.

1 расм “Трактор” жамоасидаги уч кунлик ўйинлараро циклнинг тузилиши ҳамда мазмуни кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, ўйиндаги кейинги биринчи кунтиқловчи тадбирлар ўтказилган. Иккинчи кун тонгда ҳаракат сифатларини мажмуали режалаштиришга қаратилган 45 дақиқалик машғулот бўлиб ўтган. Кечқурун 60 дақиқа давомида техник-тактик машғулот ўтказилган. Учунчи куни ҳаракат сифатларини мажмуали ривожлантириш машғулот (45 дақиқа) кечқурун эса Республика чемпионати ўйини.



2-расм “Трактор” жамоасида уч кунлик ўйинлараро циклнинг таўкил этиш.



3-расм “Пахтакор” жамоасида уч кунлик ўйинлараро циклнинг ташкил этилиши.

3-расм акс эттирилганидек “Пахтакор” жамоасининг уч кунлик ўйинлараро цикли кўйидаги тарзда ташкил этилган.

Дам олиш куни эрталаб ихтисосликка хос бўлмаган аэроб йўналишдаги 30 дақиқалик машғулот ўтказилган, кейин эса тикловчи тадбирлар режалаштирилган. Иккинчи кундаги 45 дақиқалик эрталабки машғулот ҳам аэроб йўналишга эга эди. Кечқурунги техник-тактик машғулот 60 дақиқа давом этиб, аралаш йўналишга эга бўлади. Ўйин бўладиган куни эрталаб ҳаракат сифатларини мажмуали ривожлантиришга

хизмат қилувчи 60 дақиқалик машғулот ташкил этилди, кечкурун эса тақвимий ўйин бўлиб ўтди. Таҳлилдан елиб чиқдики, ҳар бир жамоанинг уч кунлик ўйинлараро циклларни ташкил этишда ўзхусусиятларга эга. Тақвимий ўйиндан сўнг дам олиш куни белгиланиши зарур эканлиги, ҳатто машғулот ўтказилса ҳам, у тикланишга хизмат қилиши кераклиги умумий қонуният ҳисобланади. Циклнинг иккинчи кундаги юклама, одатда, унча катта бўлмайди ва қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга бўлади.

Ўзбекистон жамоаларининг давомийлиги турлича ўйинлараро циклларни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлишича, улар чет эл жамоаларидагидан унчалик фарқ қилмас экан. Бироқ, биринчи даврнинг иккинчи ярмиданоқ машғулот юкламаларининг катталиги ва йўналишида бир хиллик кўзга ташланади, бу жисмоний ҳамда рухий чарчоқни пайдо бўлишига олиб келади. Афтидан, терма ва клуб жамоаларимизнинг халқаро мусобақалардаги қониқарсиз чиқишларини, энг аввало, жисмоний тайёргарлик талабга жавоб бермаслиги билан изоҳлаш мумкин бўлса керак. Осиё қитъасининг етакчи жамоалари билан таққослаганда, ҳаракат фаолиятлари, айниқса, тезкорлик машқлари ҳажмининг кичкиналигини кўрсатувчи педогогик кўрсатувларга оид маълумотлар буни тасдиқлайди.

Аслида, алоҳида, гуруҳли ва жамоали техник-тактик ҳаракатларни самарали тарзда бажариш жисмоний тайёргарлик даражаси ва серқирралигига боғлиқ бўлади. Шу сабабдан йиллик циклнинг ҳар хил босқичларида жисмоний сифатлар устида ишлаш мақсадга мувофиқ. Бунда махсус ва номахсус воситаларнинг оптимал нисбатини танлиб олиш ва шу тариқа ўйин талаб қиладиган чидамлилиқ, тезлик-куч сифатлари, чаққонликка энг кучли таъсир кўрсатишга эришиши лозим.

1.2 Футболчиларни организмга энергетик потенциали

Функцияларнинг энергетик таъминланиши организмдаги энергияга бой моддалар заҳарасига ва улардан рационал фойдаланишга боғлиқ. Узоқ вақтли мускул кши жараёнида асосий энергия манбаи ёғлардир. Оғирлиги 70 кг бўлган ўрта бўйи ва ўртача тана тузилишига эга эркеклар энергетик

куvvати 83763 ккал бўлган ёғлар захирасига эга. Бундам эркакларнинг углевод захираси атига 2596 ккал ни ташкил этади.

Машғулотлар натижасида углеводлар захираси жигар ва мускулларда гликоген моддаси таркибининг ўсиши натижасида кўпаяди, бу эса оғир мускул фаолиятини энергия билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Машғулотлар қанчалик жадал бўлса, углеводлар шу даражада кўп ишлатилади, давомийлиги қанчалик узоқ бўлса, энергия билан таъминлашда шунча кўп ёғлар иштирок этади. Аэробик машғулотлар ёғларни энергия манбаи сифатида сафарбар этувчи организмнинг қобилятини кенгайтиради ва шунинг учун ёғлар захираси камайиб боради.

Аэробик имкониятларни оширувчи мунтазам машғулотларда митохондрияларнинг ҳисил бўлиши кучаяди - уларнинг ўлчамлари ва микдорни катталашади. Жисмоний иш қобилятини оширишда ва зарарли омилларга организмнинг қаршилиқ кўрсатишини таъминлашда бу жуда муҳимдир.

Митохондрияларнинг ҳосил бўлишини кучайиши билан бир вақтда оксилловчи ферментларнинг фаоллиги ошади, бу аэробик машғулотларнинг узига хос натижасидир. Шунинг эътиборга олиш керакки, бундай ўзгаришлар куч ватезликни ривожлантириш машқлари таъсирида содир бўлмайди.

Аэробик машғулотлар таъсири остида миокардда митохондрияларнинг ҳосил бўлиши кучаяди ва гипертрофия ва миофибриллар ўртасида мувозанат урнатилади. бу ҳам мунтазам қайтарилувчи аэробик машқларнинг ва митохондрияларнинг умумий сиртининг натижаси ҳисобланади. Бу юрак мускулларида миоглобин таркибининг ўсиши билан бирга амалга оширилади.

Шунинг ҳисобга олиш муҳими, аэробик машғулотларнинг марказий асаб системаси ҳдпатага таъсири гимнастик ёки кучлилиқ машқларига қараганда пастроқ.

Узоқ вақт аэробик машқларни бажариб толиқиш натижасида марказий асаб системасининг таъсирчанлиги ва унинг функцияларининг

фаоллиги пасаяди. Толиқишнинг даражаларига караб таъсирчанликнинг пасайиши кучаяди. Бирок, машқлар жараёнида кучайиб борадиган толиқишга қарамай аэробик машқларда эндофрин маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ошиши ва уларнинг мия таркибига таъсири оркали руҳиятга ижобий таъсир қилишда давом этади. Шунинг учун узоққа югуриш ишқибозлари машғулотлар вақтида ёқимсиз туйғуларни эмас, балки лаззатланиш туйғуларини ҳис қиладилар.

Аэробик машғулотлар натижасида симпатик ва парасимпатик бўлақлардан ташкил топган вегетатив асаб системасининг ўзаро фаолияти узгаради. Одатдагидек, организмнинг бир қатор системаларига, биринчи навбатда юрак қон томир системасига симпатик (фаоллаштирувчи) таъсири пасаяди ва тинч тургандаги юракнинг қисқариш частотасининг пасайиши, нафас олиш частотасининг пасайиши, артериал қон босимининг ҳам озрок пасайиши билан ифодаланадиган парасимпатик система (барқарорлаштирувчи таъсир) устун келади. Шу вақтнинг узида мускул иши жараёнида организмнинг функциялари ва ресурсларини сафарбар этиш учун муҳим бўлган симпатик системани тезда фаоллаштириш имконияти сакланиб қолинади.

1.2.1 Футболчиларнинг аэробик имконият кўрсаткичларини ошириш усуллари.

Аэробик имкониятларни ошириш устида ишлаш жараёнида қуйидаги таркибий қисмларни такомиллаштиришни таъминлаш зарур:

КМИ катталиги билан ифодаланадиган аэробик жараёнлар қуввати; берилган иш бўйича қислородни истеъмол қилишнинг максимал катталигига эришиш вақти билан аниқланадиган ишнинг аэробик энергия билан таъминлаш системасининг фаолиятини йулга қўйиш тезлиги берилган иш учун қислород истеъмол қилишнинг мумкин бўлган максимал катталигини ушлаб туриш давомийлиги билан тавсифланадиган юқори аэробик унумдорлик кўрсаткичларини узоқ вақт ушлаб туриш қобилияти.

Аэробик имкониятлар кўрсаткичларини оширишда чидамлиликни тарбиялаш методларидан фойдаланилади.

Бундай метод асосан умумий чидамлиликни тарбиялаш масаласини кун тартибига куяди. У куйидагиларни уз ичига олади масафани бир хил тезлик билан босиб ўтиш, масалан 3,5 км га кросс югуриш, урмон бўйича яёв юриш, тоққа чиқиш ва х.к.з. Маълумки, футболчиларнинг тайёргарлигига боғлиқ равишда югуриш ёки юриш, масофани босиб ўтиш суратларини ошиши кўпроқ тайёрланганлар фойдасига ўзгариб боради.

Чидамлиликни аралаш тарбиялаш тури ҳам махсус чидамлиликни тарбиялашда, ҳам умумий чидамлиликни тарбиялашда кулланилади. Бу куйидагиларни уз ичига олади: ўйин ва ўйин машқларида тур ли хил масофаларни турли хил тезликда босиб ўтиш ва нафас олишни тухтатмаслик. Машғулотларда ва айниқса ўйин вақтида футболчиларни максимал чуқурликда ва белгиланган маромда нафас олишлари жуда муҳимдир.

Чидамлиликни тарбиялашнинг интервал методи дам олиш вақтини оз-оздан қисқартириш билан ишни бир хил жадалликда бажаришни уз ичига олади. Маълум вақт оралигида дам олиш вақти оз-оздан қисқартирилади ва минимумга олиб келинади. Чидамлиликни ривожлантиришдаги машғулотларда алохдда машқлар орасида дам олиш керак эмас, ёки бу дам олиш вақти сезиларсиз даражада бўлиши керак. Интервал методда аэробик унумдорлик даражасини ошириш учун куйидаги тамойилларга амал қилиш зарур: алохдда машқларнинг давомийлиги 1-2 дақиқадан ошмаслиги керак, машқ, қилинадиган масофанинг узунлигига боғлиқ равишда дам олиш интервалининг давомийлиги 45-90 сонияли диапазон ичида бўлиши керак, машқларни бажаришда ишнинг жадаллиги ва танаффуслар давомийлигини аниқлаб олиб юракнинг қисқариш частотасини ишнинг охирида 170-190 ур/мин га, танаффуснинг охирида эса 120-130 ур/мин га мулжаллаш керак.

Юракнинг қисқариш частотасини иш вақтида 190 ур/мин га ошириш ва танаффус охирида эса 120 ур/мин дан ошиққа камайтириш мақсадга

мувофик, эмас, чунки бундай ҳолларда юракнинг уриш ҳажмининг камайиши ва машғулотлар самарадорлигининг пасайиши кузатилади.

Машғулотларнинг узлуксиз методи кислородни етиб келишини, уни ташишни ва уни истеъмол қилишни таъминлайдиган организмнинг амалда ҳамма асосий хоссаларининг такомиллашишига ёрдам беради. Узлуксиз иш одатда юракнинг қисқариш частотаси 145-175 ур/мин бўлганда амалга оширилади, бу эса юракнинг функционал имкониятларини ошириш учун айниқса самаралидир.

Шуни ҳисобга олиш айниқса кувонарлики, узлуксиз метод интервал методга қараганда аэробик имкониятларни анча барқарор оширишга олиб келади, негаки машғулотларнинг бошқа методлари учун анча яхши асос яратилади. Интервал методга қараганда бу метод қайта мослашиш ҳавфи билан қароқ боғланган.

Футболчиларнинг узлуксиз машғулотларида ишининг жадаллиги максимал даражада иложи борица яқин бўлган кислородни истеъмол қилиш даражаси ва юрак уриш ҳажмининг юқори кўрсаткичларини таъминлаши керак. Бундай талабларга давомийлиги 10 дан 60-90 мин гача бўлган ишлар жавоб бера олади. Ишнинг давомийлиги футболчиларнинг малакаси ва тайёргарлигидан келиб чиқиб белгиланади. Масалан, аэробик унумдорликнинг юқори даражасига эга олий лига футболчилари икки соатли узлуксиз ишни талаб қиладиган узоқ масофаларни босиб ўтишлари мумкин. Бирок шуни эсдан чиқариш керак эмаски, футболчи имкониятларига мос келмайдиган ортиқча давом этадиган ишлар кислород истеъмол қилиш даражасини кўнрақ пасайишига, кислородни истеъмол қилиш ва узлаштиришни таъминлайдиган аъзолар ва системалар фаолиятини издан чиқаришига олиб келади ва бу албатта машғулотлар самарадорлигига таъсир этади.

Шу билан машғулотлар кетма-кетлиги интенсив ишларнинг охирига келиб юракнинг қисқариш частотасини 170-175 ур/мин гача ошишини ва кам интенсив ишларнинг охирида эса 140-145 ур/мин гача пасайишини

назарда тутади. Аэробик имкониятларни ошириш методларидан мустакил равишда, ишнинг ийтенвйвлиги спортчи организмнинг таъсирчанлиги асосида кузланаётган машқлар ва уларнинг мажмуаларига мос равишда режалаштирилиши керак. Организмнинг таъсири (реакцияси) кондаги лактат кўрсаткичи ва юракнинг қисқариш маълумотлари бўйича баҳоланади. Масалан, юракнинг қисқариш частотаси кўрсаткичларига таяниб машғулотлар ишини учта зонага ажратиш мумкин:

ЮҚЧ нинг аэробик имкониятлари даражасини 120-140 ур/мин да ушлаб туриш;

ЮҚЧ нинг аэробик имкониятларини 140-165 ур/мин гача ошириш;

ЮҚЧ аэробик имкониятларини максимал 165-190 ур/мин гача ошириш.

Интервал метод қон айланиш ва нафас олиш системаларининг функционал имкониятларини максимал даражада тез фаолият юритиш қобилятийи ошириш учун жуда самарали ҳисобланади. Бу пассив дам олиш билан интенсив ишларни тез-тез алмаштириб туриш билан тушунтирилади. Шунинг учун бир машғулот давомида қон айланиш ва нафас олиш системаларининг фаолияти чегаравий катталиқка яқин катталиқкача бир неча марта фаоллашади, бу эса ишлаб чиқариш даврининг қисқаришига ёрдам беради. Машғулотларнинг узлуксиз методидан фойдаланишда бу нарса содир бўлмайди, негаки спортчи одатда машғулотлар давомида ишлаб чиқариш фазасига 3-5 мартадан ошиқ. кирмайди. Шу вақтнинг узида узлуксиз методдан фойдаланиш узоқ вақт мобайнида организмнинг юқори даражаси билан фаолият кўрсатишини талаб қилади. Бу кислород истеъмол қилишнинг юқори катталигини узоқ; вақт ушлаб туриш қобилятини таъминлайди.

Аэробик имкониятларни ривожлантиришнинг асосий воситалари сифатида айнан уша машқларда ва уларнинг мажмуаларидан фойдаланилади, уларнинг узига хос белгилари куйидагилар: таянч ҳаракатланиш аппаратининг кўп ё'ки ҳамма бугимларини фаол фаолият

